**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Танлов комиссияси раиси,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**ИИВ М ва МТТД бошлиғи**
**А.А. Абиджанов**

"19" 12 2022 йил

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий техника таъминоти Департаменти томонидан моддий-товар бойликлари (хизматларни) сотиб олиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг**
**11 сонли**

## Б А Ё Н Н О М А С И

2022 йил "19" 12 Тошкент ш.

**Қатнашдилар:**

Ўзбекситон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 17 мартдаги 55-сон фармойиши билан тасдиқланган комиссия таркиби

**Комиссия раиси:**

**А.А.Абиджанов** Ўзбекистон Республикаси ИИВ М ва МТТД бошлиғи.

**Комиссия аъзолари:**

**И.О.Абдурахмонов** Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТТБ бошлиғи;

**Ш.О. Азим** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хўжалик бошқармаси бошлиғи;

**М.Е.Утебаев** Ўзбекистон Республикаси ИИВ МваМТТД ИАваТ бўлими бошлиғи

**Ш.Ш.Курбанов** Ўзбекистон Республикаси ИИВ МИБ бошлиғининг ўринбосари;

**Котиб:**

**Е.Ш.Егамбердиев** Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТТБ катта инспектори.

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМ ехтиёжи учун мўлжалланган 1 дона қуруқ ҳаво термостат 1 дона микротўлқинли печ 13 дона уй кондиционер 2 дона тиббий паст ҳароратли музлатгич 2 дона музлатгич лабораторияси харид қилиш бўйича танлов савдоларини балл бериш усули орқали ғолиб корхонани аниқлаш.**

Йиғилишни Танлов комиссияси раиси – Ўзбекистон Республикаси ИИВ М ва МТТД бошлиғи А.А.Абиджанов олиб борди.

Кун тартибига қўйилган масалалари юзасидан танлов комиссияси аъзолари томонидан муҳокама қилиниб бўлингандан сўнг, танлов комиссияси раисининг ўринбосари Н.Ш. Ходжаев сўзга чикиб, танлов савдолари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелидаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонун талаблари асосида ўтказилишини таъкидлаб ўтди. ИИВ ЭКБМ ехтиёжи учун 1 дона қуруқ ҳаво термостат 1 дона микротўлқинли печ 13 дона уй кондиционер 2 дона тиббий паст ҳароратли музлатгич 2 дона музлатгич лабораторияси харид қилиш бўйича, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил

22 апрел кунидаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни асосида узех.тендер веб-сайтига 2022 йил 7 декабр куни №202599-сонли лот рақами билан балл бериш орқали ғолибни аниқлаш бўйича эълон жойлаштрилиганлиги бўйича комиссия аъзоларига ахборот берди.

Шундан сўнг, "Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талаблари бўйича қўйилган талаблар "**Pole Fos Trade",** ва **ООО "OCHA TRADE"** корхоналари томонидан кўриб чиқилди ва 1 дона қуруқ ҳаво термостат, 1 дона микротўлқинли печ, 13 дона уй кондиционер, 2 дона тиббий паст ҳароратли музлатгич, 2 дона музлатгич лабораториясига қўйилган талаблардан фақат **"Pole Fos Trade" (95.5 бал)** корхонаси томонидан тўлиқ електрон тарзда кўрсатиб ўтилганлиги ва бошқа корхона ООО "OCHATRADE" (86.04573) дан (мувафаққияциз иштирок) юқори бал тўплаганлиги инобатга олиб, 2021 йил 22 апрелидаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонун талаблари асосида ўтказилган деб ҳисоблансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМ ехтиёжи учун мўлжалланган ва 1 дона қуруқ ҳаво термостат, 1 дона микротўлқинли печ, 13 дона уй кондиционер, 2 дона тиббий паст ҳароратли музлатгич, 2 дона музлатгич лабораториясини харид қилиш бўйича **" Pole Fos Trade"** корхонаси ғолиб деб топилсин ҳамда **ООО "OCHA TRADE"**корхонаси захира сифати олинсин.

1. Ўрнатилган тартибда танлов ғолиби билан шартнома тузилсин.
2. Танлов савдолари ғолиби ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия ва МТТ Департаменти ўртасида имзоланган шартнома ўрнатилган тартибда Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказиш учун юборилсин.

**Ҳарид комиссияси аъзоларининг имзолари:**

**Комиссия аъзолари:**

| | |
|---|---|
| **ИИВ МТТБ бошлиғи** | **И.О.Абдурахмонов** |
| **ИИВ Хўжалик бошқармаси бошлиғи** | **Ш.О.Азим** |
| **ИИВ МваМТТД ИАваТ бўлими бошлиғи** | **М.Е.Утебаев** |
| **ИИВ МИБ бошлиғининг ўринбосари** | **Ш.Ш.Курбанов** |

**котиб:**

| | |
|---|---|
| **ИИВ МТББ катта инспектори** | **Е.Ш.Егамбердиев** |

ЭКБМга „Генги" ўшга

**ШАРТНОМА №1**

Тошкент ш "19" декбрь 2022 йил

"Poli Fos Trade" (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи диркетор Рискулов А.Т. бир томондан ШИВ Мва МТТД (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи А.Абдиманов иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.Ижрочи қуйидаги товарни Буютмачига сотиши, Буюртмачи эса ушбу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган баҳони тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товар ҳақида маълумотлар:

| Товарнингноми | Ўлчов бирлиги | Микдори | Баҳоси | Жами |
|---|---|---|---|---|
| Медицинский комбинированный холодильник и морозильник YCD-FL450, 2°C~8°C/-10°C~-40°C | дона | 2 | 75 000 000,0 | 150 000 000,0 |
| Шкаф сушильный UF55 | дона | 1 | 95 000 000,0 | 95 000 000,0 |
| -86°C Сверхнизкотемпературный морозильник DW-HL528S | дона | 2 | 292 000 000,0 | 584 000 000,0 |
| Микроволновая печь Samsung MS23T5018AG/BW | дона | 1 | 6 000 000,0 | 6 000 000,0 |
| Кондиционер бытовой 18btu | дона | 13 | 8 500 000,0 | 110 500 000,0 |
| **Жами** | | | | **945 500 000,0** |

## 2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ БАҲОСИ

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси тўққиз юз қирқ беш миллион беш юз минг сўмни ташкил этади.

## 3. ТЎЛОВ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича "Бюртмачи" "Ижрочи"га, 141 825 000,0 (Бир юз қирқ бир миллион саккиз юз йигирма беш минг) сўм, шу жумладан, олдиндан тўлов тартибида 15% (ўн беш) фоизи микдорида пул ўтказиш йўли билан ҳак тўлайди ва келишув тўлиқ бажарилгандан сунг қолган 85 % (саксон беш) фоиз микдордаги пул ўтказилади.

3.2. Тўлов шакли: пул ўтказиш шакли билан амалга оширилади.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. **Ижрочининг мажбуриятлари:**

4.1.1. Товарни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Бюртмачига ўз вақтида топшириш;

**4.2. Бюртмачининг мажбуриятлари:**

4.2.1.Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олиш;

4.2.2. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар баҳосини тўлаш.

## 5. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

**ВА ТАРТИБИ**

5.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган товар шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатидан ўтган санадан бошлаб кучга киради.
5.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил "31"декабрь.

## 6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1.Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина кучга эга бўлади.
6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига ёки фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарарни айбдор тараф тўлаган ҳолда йўл қўйилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.
7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судилар томонидан кўриб чиқилади. Иқтисодий суднинг ҳал қилувчи қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий хисобланади.

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

8.1.Тарафлар, мазкур шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб, ўзлари вакиллари, ходимлари, уларнинг назорати остида ёки таъсир кўрсатадиган бошқа шахслар томонидан келажакда, ушбу шартномани тузиш ҳамда бажариш билан боғлиқ ҳар қандай турдаги ноқонуний пул ва бошқа имтиёзларни таклиф, талаб қилмасликларини, (шунингдек, қабул қилмасликларини) кафолатлайдилар.

8.2. Тарафлар ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйида келтирилган қоидаларга риоя қилишлари ва ўз вакиллари, ходимлари ва уларнинг назорати остидаги ёки таъсир кўрсатадиган бошқа учинчи шахслар томонидан мазкур қоидаларга амал қилиниши борасида оқилона чоралар кўриш мажбуриятини оладилар.

8.3. Тарафлар шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйидаги ҳаракатларни ўзлари, шу жумладан учинчи шахслар орқали ҳеч қандай шаклда амалга оширмасликни ўз зиммаларига оладилар.

а) порахўрлик-тижорат ёки бошқа турдаги ноқонуний устунликни олиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқорида қайд этилган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан қонунга хилоф равишда мулкий фойда олиш, бериш, ўтказиш, рухсат бериш;

б) пора талаб қилиш ёки пора беришга ундаш-рад этилган тақдирда тахдид билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган пора талаби;

в) ваколатларни суистеъмол қилиш-тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини бажарувчи шахсўз ваколатларини ушбу ташкилотнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзи ёки бошқалар фойда олиши ёки зарар етказиш мақсадида ишлатиши;

г) юқорида айтиб ўтилган коррупция амалиётидан тушган даромадларни легаллаштириш, жиноий келиб чиқиши, манбаси, жойлашган жойи, тасарруф этиш усули, кўчириш ёки мулкка эгалик қилишини яшириш агар бундай мулк жиноятлардан олинган даромад эканлиги маълум бўлса;

д) ушбу шартнома тарафлари амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини бузадиган бошқа ҳаракатларни содир этган тақдирда, тегишли тараф зудлик билан бошқа тарафни Ўзбекистон Республика Коррупцияга қарши қонун хужжатларида белгиланган қўшимча таъқиқлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

8.4. Коррупцияга оид ҳар бир холат юзасидан тегшили тарафни зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши, ташкилотда ишбилармонлик этикаси қоидаларига риоя қилиш, муросасизликни тарғиб қилиши шарт.

Тарафлар шартномани тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши учун асос ушбу шартноманинг 5-бандида кўрсатилган ҳолатлар суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланган бўлиши шартлиги тўғрисида келишиб олдилар.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

8.2. Қўшимча шартлар:______

8.3. Шартномага илова:______

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**“Ижрочи”**

"Poli Fos Trade" МЧЖ

Манзил: Тошкент шахри, Шайхонтохур тумани, Ш.Шомахмудов, 202

х/р: 20208000705591546001

Миллий банк Юнусобод филиали

МФО- 00836 ИНН- 310032746

Телефон:+998993150067

М.П. ______

POLI FOS TRADE

**“Буюртмачи”**

______

Манзил: ______

Банк ______

Х.Р ______

МФО ______

ИНН ______

Тел: ______

O'zbekiston Respublikasi Ichki Ishlar Vazirligi
ShG'HV: 4010 1086 0262 8770 3110 1179 005
INN: 200 697 696 OKONX: 97390
Toshkent sh. Yu Rajabiy-1, O'zR Moliya vazirligi G'aznachiligi
H/r: 2340 2000 3001 0000 1010
MB Toshkent sh. BB XKKM MFO: 00014 INN: 201 122 919

Директор: ______ ______

М.п.